

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР МАРГИНАЛЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жураев Жамшед Рахматиллоевич,

Бухоро Давлат Университети Тарих ва Юридик факултети декани

“Психология ва Социология” кафедраси доценти в.б, Социолог

Jamshid-j-r@buxdu.uz, jurajamshid@gmail.com

Аннотация

Мақолада глобаллашув шароитида ёшларнинг маргиналлашув ҳолати, кўринишлари ҳамда турли олимларнинг маргиналликка оид қарашлари ифодаланган. Муаллиф глобаллув ортидан юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавф хатарлар тўғрисида баъзи мулоҳазаларни баён қилган. Глобал ривожланишлар ва ўзгаришлар кетидан маргиналлик ҳодисасининг пайдо бўлишининг сабаблари ва унинг оқибатлари қўриб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, маргиналлик, маргиналлашув, ижтимоий табакаланиш, ижтимоий грух, ижтимоий муҳит, модернизация, ҳамжиҳатлик, ксенофобияга, маданий глобаллашув.

Аннотация

В данной статьи обсуждено состояние маргинализации молодежи ее проявления, а также взгляды различных ученых на маргинализацию в условиях глобализации. Автор сделал несколько замечаний о возможных социальных рисках, которые могут возникнуть в результате глобализации. Рассматриваются причины возникновения явления маргинализации и его последствия как результат глобальных процессов и изменений.

Ключевые слова: глобализация, маргинализация, маргинализация, социальная стратификация, социальная группа, социальная среда, модернизация, солидарность, ксенофобия, культурная глобализация.

Annotation

This article discusses the state of youth marginalization of its manifestations, as well as the views of various scientists on marginalization in the context of globalization. The author made several remarks about the possible social risks that may arise as a result of globalization. The causes of the phenomenon of marginalization and its consequences as a result of global processes and changes are considered.

Key words: globalization, marginalization, social stratification, social group, social environment, modernization, solidarity, xenophobia, cultural globalization.

Глобал ҳамжамиятда содир бўлаётга ўзгаришлар натижасида, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида маънан эскирган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий институтларнинг муқаррар парчаланиб кетиши, ёшлар ўртасида маргинал гурухларининг сонини кўпайиши олиб келади. Бу эса жамиятдаги янги гурухлар, синфлар ва қатламларнинг юзага келиши учун тўсқинлик қилади. Аҳолининг аксарият қатлами эскича яшаш ва ишлаш имкониятидан маҳрум бўлиши натижасида, янгича яшаш манбаларини излашга, янги жойларга кўчиб ўтишга, янги фаолиятни ўзлаштиришга, ўзларининг сиёсий қадриятлари ва йўналишларини қайта кўриб чиқишига мажбур бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган «Янги Ўзбекистон стратегияси» концепциясида кенг қамровли вазифалар белгилаб берилган. Улар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган феноменал аҳамиятга эга бўлган илмий асосланган мукаммал вазифалардир. Мамлакатимиз раҳбари мазкур концепциянинг мазмун-моҳиятини қўйдагича ифодалайди. Жумладан, «Ушбу тушунча мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, юритимида демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислоҳотларимизнинг таянч ғоясини ифода этади»[i]. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз ташабbusлари билан иштирок этиб, инновацион ёндашувлар билан масалага ижобий ёндашаётган авлод шаклланиб келмоқда. Шу ўринда, замонавий илм-фан, техника, технология ҳамда хорижий тилларни ўзлаштириб, мамлакатимиз нуфузини жаҳонга намойиш этаётган ёшларимиз борлиги қувонарли ҳолдир. Бироқ, бефарқлик ёки негатив дунёқараашда ҳаёт кечириб, ўз йўлини излаётган ёшларнинг бўлиши мамлакатимиз ва кўп миллатли халқимиз учун муаммо саналади. Уларнинг тенгдошларини ўз сафига қўшишга ҳаракат килади. Бундай ҳолатнинг келиб чиқмаслигини олдини олиш билан боғлиқ барча ташкилий ва тарбиявий масалаларни босқичма-босқич ҳамда тизимли ҳал этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаги, глобаллашув даврида ёшлар дунё ҳамжамиятида рақобатбардош шахс (кадр) сифатида саҳнага чиқиши жуда муҳим масала ҳисобланади. Бу борада мамлакат раҳбари юритимиз ривожи ҳақида гапириб: «Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ғайрат-шижоатли, интеллектуал

салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз»[ii] - деб таъкидлаган.

Ёшлар маргиналлашувининг асосий профилактикаси ҳам уларни мамлакатимиз модернизация жараёнларига қанчалик кенг жалб қила олишимиз ва уларда ҳамжиҳатлик, «ксенофобияга» (ксено юонча "бегона" - фобия "қўрқув" - бегона, нотаниш, ғайриоддий нарсага нисбатан муросасизлик, бошқа бирорни ёқимсиз ва хавфли деб билиш) қарши руҳиятни шакллантира олиш, рақобат асосида етакчилик салоҳиятига эга бўладиган қатламни тарбиялаб, давлат ва жамиятни маъмурий ва ижтимоий тизимида фаолият олиб боришига кенг имконият яратиш орқали, олдимизга қўйган янги Ўзбекистонни қуриш қаби стратегик мақсадларимизга эришишимиз осон кечади. Қолаверса, бу ёшларни турли субмаданиятларга, маргинал гурухларга аралашиб қолишига тўсқинлик қиласди. Уларда ўзига ишонч ва келажакка шиҷоат билан боқиши қаби ҳис туйғу пайдо бўлади.

Илмий адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида «Глобаллашув», «Глобал дунё», «Иқтисодий молиявий глобаллашув», «Аксилглобаллашув», «Маданий глобаллашув» қаби иборалар кўп қўлланилмоқда. Айниқса дунё социал-иқтисодий жараёнларида рўй бергаётган салбий жараёнлар ҳақида сўз борганда шубҳасиз, муҳокамалар глобаллашув жараёнига бориб тақалади. Маргинал шахсларнинг ҳам ошиб бориш ёшларнинг турли ғайри табиий норасмий маргинал гурухларга кириши оқибатида вужудга келади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида - «Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди»[iii] – деб таъкидлади.

Ҳозирги нотинч ва мураккаб замонамизда норасмий ёшлар гурухларининг кундан кун кўпайиб бориши, ёшлар билан ишловчи ташкилотларнинг қаттиқ истиробга ва ташвишга солмоқда. Мазкур ахборот-психологик хуружлар, жумладан, ғайритабиий ваҳима, беҳаёлик иллати, жиноят ҳиди анқиб тургандай ноҳуш кечинмалар оғуши сари етакламоқда. Инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида у ёки бу кўринишга эга бўлган норасмий ёшларнинг маргинал бирикмалари аста секин куртак ортиб, ғарб ва шарқ маданиятлари тўқнашувида вужудга келмоқда. Ана шу боисдан бугунги кунга келиб, норасмий маргинал ёшлар гурухининг кенг қулоч ёйиши тасодифий ҳол эмас балки, табиий эҳтиёжнинг меваси холос.

Йиллар давомида ижтимоий ҳаётимизда эркин, мустақил фикрлаш, ижодий мулоҳаза юритиш, баҳолаш имкониятига эга бўлмаган ёшлар аста-секин ўзларининг норасмий маргинал гурухларини тузишга киришдилар. Жамият ижтимоий қатламида табакаланишувининг кескин фарқланиши, маҳаллийчилик ва коррупция иллатининг юзага чиқиши ва бу воқеъийликни кузатиб турган чет қўштироқ остидаги ҳомийлар,

итоаткор, бафарқ, бир биридан бегоналашган, ички түгёнга ва масулиятта эга бўлмаган «зомби»[iv - Б. 60] тоифасига хос йигит ва қизлар билан ишлашни мақбул қўрадилар. Натижада, ёшлар ўз орзу истаклари, истиқбол режалари, ижодий изланишлари, истеъдодлари ва ақлий имкониятлари, сиёсий қарашларини рўёбга чиқариш, маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида норасмий маргинал гурухлар сафига қўшилиш истагини билдиришади.

Дессертация доирасидаги тадқиқотлар таҳлилига кўра, глобаллашув ва маргиналлашув орасидаги ўзаро муносабатни таҳлил қиласр эканмиз, глобаллашувни - маҳаллий (локал) маданиятларнинг секин аста емирилиши ёки тўфондан сўнг ювилиб кетишига сабаб бўлувчи ижтимоий-маданий жараён сифатида тасаввур қилса бўлади. Ушбу жараён натижасида, ўзларининг маданий хусусиятлари «ёпиқ жамият»лар қиёфасига ўтади, янги трансформацияга учраган ноаниқ маданий макон пайдо бўлади. Бунда маҳаллий локал маданиятлар ўзгача долзарблик касб этиб, жамиятни шакллантириш учун зарур бўлган дастлабки қурилиш маҳсулотига айланади. Глобал маданият ёки маданий глобаллашув назариячиларидан бири Р.Роберсон глобал миқёсда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун маҳаллий алоқаларни ривожлантириш зарурлигини асослаб, - «айнан ўз маҳсулотларини глобал миқёсда ишлаб чиқарадиган ва сотадиган йирик трансмиллий корпорациялар ҳам давлатлар ичидағи маҳаллий алоқаларни ривожлантиришга мажбур бўлдилар, ўзларининг глобал фаолияти учун хом ашёни маҳаллий маданиятлардан оладилар, бу фаолият ўз маҳсулоти орқали оммавий маданиятни ҳам кенг ёйишга туртки бўлади»[v - 304 с].

Шу сабабли, бундай глобал - маҳаллий алоқалар йирик ташкилотларга ўз таваккалчилигини ҳисоблашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Натижада, ўзига хос маданий дурагайлар, яъни маргиналлар пайдо бўлади ва бир-биридан ажратилган жамиятлар қиёфаси ягона дунё тизими қиёфаси билан ўзгартирилади. Шу муносабат билан, Р.Роберсон «маданий глобаллашувнинг марказий тушунчасини «глобаллашув» ва «маҳаллийлаштириш» тушунчаларини бирлаштириш орқали шаклланган «глокализация» (Глокализация – бу глобал маҳаллийлаштириш жараёни, локал маданиятларни секин аста жамиятдан чиқаруб ташлаб янги умумий тартиб ва тамойилни белгилаш) тушунчаси билан алмаштиришни»[vi - 442 р] таклиф қиласди. Шу билан бирга, у маҳаллий ва глобал жамиятлар нафақат бир-бирини истисно этмаслигини, балки бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мулоқот ва ижтимоий хаётнинг трансмаданий шаклларини яратишни таъкидлайди.

Глобаллашувни қўп қиррали жараён сифатида инсоният ҳаётининг барча соҳаларига интеграция қилиниши, ягона дунё тизими каби трансмиллий маконни шакллантиришни ўз ичига олади. Натижада инсон бир-бири билан чамбарчас боғланган янги ижтимоий маргинал хусусиятларни ўзлаштиради. Бир томондан, инсон ўз ижтимоий гурухининг

аъзоси ва ўз мамлакатининг фуқароси ҳисобланса, иккинчи томондан, у инсоният жамиятининг янги тамойилларига бўйсунадиган - «дунё фуқароси» мавқеини олади. Умуман олганда, глобаллашувнинг кескин маданиятлашиш шароитда баъзан мураккаб назорат қилиб бўлмайдиган ва бошқариб бўлмайдиган вазиятлар юзага келади, хавф омилларининг таъсири кучаяди. Бу, шубҳасиз, шахснинг ҳаракатларида намоён бўлади ва унинг ижтимоий-психологик фаровонлигига таъсир қиласи. Бундай ўзгаришлар нафақат шахс учун, балки бутун инсоният учун, жумладан энг прогрессив қатлам бўлган ёшларнинг маргиналлашувига катта таъсир этади. Демак, глобаллашув жараёнлари ижтимоий-маданий маргиналлашув билан бирга кечади. Маданиятлар тўқнашуви оқибатида оралиқ жамият, гурухлар ўртасида ёки чегарасида қолиб кетган ёшлар муаммолари секин аста турли субмаданиятлар ёки радикал қарашдаги қатламга айлана бошлайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O'zbekiston», 2021. Б.26.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи». 2020 йил 30 декабрь.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/5542>
4. Бекмуродов М. Фаросат илми. Тошкент:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022.-Б. 60.
5. Бек У. Что такое глобализация?/Пер. с нем. А. Григорьева и В. Седельника; Общая редакция и послесл. А. Филиппова.-М.: ПрогрессТрадиция, 2001.-304 с.
6. Patrick Mendis. Glocalization: The Human Side of Globalization as If the Washington Consensus Mattered. — Lulu.com, 2007-01-01. — 442 p.
7. Jurayev , J. . (2023). THE MARGINALIZATION OF MODERN YOUTH IN THE CONTEXT OF SOCIAL CHANGE. Eurasian Journal of Academic Research, 3(2), 191–198. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10084>
8. Жураев, Ж. Р. (2022). КУЛЬТУРНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОНИМАНИЯ ТЕРМИНА «МАРГИНАЛЬНОСТЬ». ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SI-2).
9. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
- 10.Жураев, Ж. Р. (2022). КУЛЬТУРНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОНИМАНИЯ ТЕРМИНА «МАРГИНАЛЬНОСТЬ». ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SI-2).

11. Жураев, Ж. (2023). Илмий оммада маргиналлашув атамасига оид турли ёндашувлар. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 29(29).
12. Жураев, Ж. Р. (2022). КУЛЬТУРНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПОНИМАНИЯ ТЕРМИНА «МАРГИНАЛЬНОСТЬ». ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SI-2).
13. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
14. Жураев, Ж. (2023). G'ARB OLIMLARINING MARGINAL SHAXS VA MARGINALLIK TUSHUNCHALARIGA OID ILMIY QARASHLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 29(29)..
15. Жураев, Ж. (2023). THE MARGINALIZATION OF MODERN YOUTH IN THE CONTEXT OF SOCIAL CHANGE. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 29(29).
16. Джураев Дж.Р. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. ЕВРАЗИЙСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК, ФИЛОСОФИИ И КУЛЬТУРЫ, 3 (1), 58-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7563712>
17. Jurayev , J. . (2023). THE MARGINALIZATION OF MODERN YOUTH IN THE CONTEXT OF SOCIAL CHANGE. Eurasian Journal of Academic Research, 3(2), 191–198. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10084>
18. Жураев, Ж. (2023). G'ARB OLIMLARINING MARGINAL SHAXS VA MARGINALLIK TUSHUNCHALARIGA OID ILMIY QARASHLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 29(29).
19. Джураев, Д. (2023). Theoretical basis youth marginalization. Общество и инновации, 4(2/S), 387-394.
20. Jurayev, J. (2023). The marginalization of modern youth in the context of social change. Eurasian Journal of Academic Research, 3(2), 191-198.
21. Жураев, Ж. Р. (2022). Культурная трансформация: теоретические вопросы понимания термина «МАРГИНАЛЬНОСТЬ». ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SI-2).
22. Джураев, Д. (2023). Маргинализация современной молодежи в контексте социальных изменений. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture, 3(1 Part 2), 58-66.
23. Жураев, Ж. (2023). Илмий оммада маргиналлашув атамасига оид турли ёндашувлар. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 29(29).